

2-1-2018

THE PRINCIPLE OF COMPETITIVENESS TO IMPROVING AGRICULTURAL INDUSTRIES

E. Ergashev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Ergashev, E. (2018) "THE PRINCIPLE OF COMPETITIVENESS TO IMPROVING AGRICULTURAL INDUSTRIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 31.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Эргашев Э.И. - ТМИ,
кафедра мудир, доцент, и.ф.н.

АГРАР ТАРМОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШЛИК ТАМОЙИЛИ

Мақолада қишлоқ хўжалиги бозоридаги талаб ва таклиф ўзгаришига таъсир этиш имконияти ортиб бораётган бир вақтда мазкур тармоқ хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сифатини оширишда рақобатбардошлик тамойилини ўрни, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда тармоқ ривожланишидаги мавжуд муаммолар ечимини излаш ва аниқлашга қаратилган фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: рақобат, қишлоқ хўжалиги бозори, рақобатбардошлик кўрсаткичлари, сифат, истеъмол хусусиятлари, интеграция, озиқ-овқат бозорлари, конъюнктура.

В статье рассматривается эффект изменения рыночного спроса и сельское хозяйство возможность увеличения производства продукта в то же время, сеть бизнеса и факторы, влияющие на конкурентоспособность, роль принципа улучшения качества сети для определения решения существующих проблем.

Ключевые слова: конкуренция, рынок сельского хозяйства, показатели конкурентоспособности, качество, характеристики потребления, интеграция, продовольственные рынки, конъюнктура.

The article examines the effect of changing market demand and agriculture the possibility of increasing product production at the same time, the business network and factors affecting competitiveness, the role of the principle of improving the quality of the network to determine the solution to existing problems.

Key words: competition, agricultural market, competitiveness indicators, quality, consumption characteristics, integration, food markets, market conditions, conjuncture of the market.

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш борасида муҳим галдаги вазифалар амалга оширилмоқда ва бу албатта, мамлакат иқтисодий тармоқларида ишлаб чиқаришни ортиши хусусан, аграр тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада оширилишига асосий омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда мамлакат аграр тармоқнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши тобора ортиб бормоқда, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратилганлиги мазкур тармоқни янада таҳлил этиш ва ўрганиш муҳим эканлигини кўрсатади. Ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор ва зарур чора-

тадбирлар туфайли кейинги йилларда аграр тармоқда ижобий натижалар қўлга киритиб келинмоқда, 2016 йилда республикада қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий ресурс тежамкор агротехнологияларни жорий этиш, иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида қуйидаги натижаларга эришилди. Жумладан, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслама баҳоларда 6,6 фоиз ўсишига эришилди. Республика бўйича далалардан 21,1 млн. тонна (ўтган йилга нисбатан 11,1% кўп) шундан, 11,3 млн тонна (11,3%) сабзавот, 2,1 млн. тонна (10,4%) полиз, 3,0 млн. тонна (9,7%) картошка, 3,0 млн. тонна (10,8%) мева ва 1,7 млн тонна (9,9%) узум маҳсулотлари етиштирилди. Барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2 млн 171 минг тонна (ўтган йилга нисбатан 6,8% кўп) гўшт, 9 млн. 703 минг тонна (7,5%) сут, 6,1 млрд. дона (10,6%) тухум ишлаб чиқарилишига эришилди. Вазирлик тизимидаги корхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиши ўтган йилга нисбатан 10,4 фоизни ташкил этди. Шунингдек, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 127,5 фоизга бажарилди.

Мамлакатнинг 2016 йил товарлар ва хизматлар экспорти дастури доирасида прогнозга нисбатан 185,1% кўп маҳсулотлар экспорт қилинди.

Мутахассисларнинг фикрларига кўра, “... ҳозирги кунда жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларида рақобат муҳити кундан-кунга кучайиб бормоқда. Айниқса хўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, консерваланган маҳсулотлар, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, ун ва ун маҳсулотлари, чой, кофе, цитрус мевалар, сут ва гўшт маҳсулотлари бозорларида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бунда у ёки бу товарга бўлган талаб ва сотувлар ҳажмига унинг ташқи кўриниши, ранги, ҳажми, чиройли қадоқланиши, сотувчининг ҳатти-ҳаракати ва товарни таклиф эта олиш қобилияти, реклама ва бошқа омиллар кучли таъсир кўрсатади” [2, 15-бет.].

Қишлоқ хўжалигининг 2000-2016 йилларда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши жадвали берилган ва буни қуйидаги кўрсаткичлар орқали баҳоланганлигини кузатиш мумкин (1-жадвал).

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакат аграр тармоғини янада ривожлантириш ҳамда мазкур тармоқда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш муҳим ҳисобланади. Албатта, аграр тармоқда янада кўплаб сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда тармоқ ривожланишига бир неча омиллар таъсир этади, ана шундай муҳим омиллардан бири бу

рақобатбардошлик омили ҳисобланади, албатта бу омилни ўрни бекиёс эканлиги сир эмас, хусусан аграр тармоқ ишлаб чиқаришида асосий тармоқ хўжаликларининг устувор ривожланиши ҳамда уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги рақобатбардошлигини ошириш муаммоларини ўрганиш ва тадқиқ этиш зарур бўлади. Бунда ушбу муаммони ечими аксарият жиҳатдан қишлоқ хўжалигида рақобатбардошликни давлат томонидан тартибга солишни комплекс усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашга боғлиқдир. Ваҳоланки, ресурслар чекланганлиги шароитида улардан самарали фойдаланиш учун аграр тармоқ хўжаликларини ривожланиши асосий омил бўлиши ҳамда уларда рақобатбардошликни янада ошириш тармоқ ривожланиши ҳамда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда зарур бўлади.

1-жадвал

**2000-2016 йилларда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари
майдонларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши
(барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан улуши, фоизда)¹**

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	2000 й.	2016 й.	2000 й.	2016 й.	2000 й.	2016 й.
Дон экинлари	15,8	85,4	12,1	12,5	72,1	2,1
Пахта	20,7	99,2	–	–	79,3	0,8
Картошка	5,0	21,4	78,2	77,7	16,8	0,9
Сабзавотлар	6,5	36,5	66,7	61,9	26,8	1,6
Полиз	17,6	53,9	42,0	44,1	40,4	2,0
Мева	7,1	61,5	28,8	30,1	64,1	8,4
Узум	5,8	65,1	21,9	31,2	72,3	3,7

Шу нуқтаи назардан ҳам мавжуд ресурсларни самарали тақсимлаш ва фойдаланишнинг асосий йўналиши сифатида аграр тармоқ хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишни мезонлари нафақат назарий балки амалий жиҳатдан ҳам муҳимдир.

¹ www.stat/uz - маълумотларидан олинган.

Авваламбор, аграр тармоқда рақобатбардошлик, умумий тарзда урта йўналиш бўйича аниқлаштирилиши мумкин. Жумладан:

- хўжалик субъектлари турлари;
- тадбиркорлик фаолияти соҳалари;
- тадбиркорликнинг аниқ предмети, яъни агробизнесни мавжуд соҳаларини асосий қисмлари тизими (товарлар рақобатбардошлиги)дан иборат.

Ушбу йўналишлардан келиб чиққан ҳолда аграр тармоқ хўжалиklarини тадбиркорлик субъекти сифатида рақобатбардошлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни хусусий мулкчилик асосида кенгайтирилган ҳолда кам харажат сарф қилиш ҳолатидан иборат.

Аграр тармоқ хўжалиklarини ташкил этилишида ҳамда мазкур тармоқда рақобатбардошликни юзага келиши ва тармоқ ривожланишига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат яъни:

- фаолиятини ташкил этишда табиий шароитларнинг турлилиги;
- молиявий маблағларни жалб этиш ва фойдаланишдаги таъминот даражаси;
- моддий – техника базасини шаклланиши ва барқарорлигидаги фарқлар;
- мутахассислар билан таъминланганлик ва уларни малакаси, тажрибаси даражаси;
- аграр тармоқ хўжалиklари харажатларини тежаш ва ортиқча харажатлар олдини олиш;
- аграр тармоқ хўжалиklари фаолият юритаётган ҳудудда инфратузилма мажмуининг ривожланганлик даражаси;
- аграр тармоқ хўжалиklarини самарали фаолият юритишига қаратилган давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ва дастакларидан фойдаланиш даражаси.

Шунингдек, аграр тармоқ хўжалиklарида хатарлар билан боғлиқ масалалар мамлакатнинг устувор аҳамиятга эга масалаларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, рақобатбардошлигини таъминлашда мавжуд ҳолатни эътиборга олган ҳолда бозор тамойилларига мос меъёрий-услубий таъминотларни янада кенгайтириш зарур бўлади.

Аграр тармоқ хўжалиklarини рақобатбардошлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири-тадбиркорлик даражаси ҳисобланади. Тадбиркорлик даражаси эса, бевосита қишлоқ хўжалиги товарлари бозорида шаклланган талаб-таклифлар ва баҳо асосидаги тадбиркорликни даромади даражасига боғлиқдир. Бу эса аграр тармоқ хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда турли товарлилик даражасига эга бўлиши орқали, уларнинг рақобатбардошлилиги даражасини ҳам белгилаб беради.

Аграр тармоқ хўжаликларини ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, авваламбор, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос-хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аграр тармоқ хўжаликларининг табиий-иқтисодий шароити, ихтисослашуви уларнинг фаолият йўналишлари ва натижалари бўйича табақалашуви ҳамда мослашуви, турли тадбиркорлик тизимларини ички ва ташқи имкониятларидан фойдаланишнинг турли даражаси объектив жараёнларга боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам аграр тармоқ хўжаликларини ривожланиш стратегиясини уларни фаолиятини тавсифловчи гуруҳларни мавжуд реал шароитдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бундай бўлиш аграр тармоқ хўжаликларини ривожлантириш стратегиясини аниқлашда мезон сифатида хизмат қилади. Ҳозирги иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, аграр тармоқ хўжаликларининг бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда аграр тармоқ хўжаликларининг юқорида таъкидланган қайси хусусиятига мос келишига қараб, ривожланиш стратегиясини танлаши нафақат назарий, балки реал шароитни тўлиқ ҳисобга олиш даражасини юқорилигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам аграр тармоқ хўжаликларининг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишида ушбу омил муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу йўналишдаги аграр тармоқ хўжаликларининг меҳнат сиғими юқори бўлган ва улар фаолият юритаётган ҳудудда рақобатнинг пастлиги шароитида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлари учун диверсификациялаш стратегиясини танлаши мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик туридаги аграр тармоқ хўжаликлари учун кооперация ривожланиш стратегияси билан минтақавий ҳолда ўсиш стратегиясини биргаликда олиб бориш ва ривожлантиришни амалга оширишни тавсия этиш мумкин. Минтақавий стратегиясини танлашда улар маълум бир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга ихтисослашиб, асосий эътиборни шунга қаратиш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакат аграр тармоқ ривожланишига салбий таъсирини олдини олиш ва юмшатишда қишлоқ хўжалиги, хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг куйидаги чора-тадбирларини амалга ошириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади:

- бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тадбирларини жорий этиш, агротехнологик жараёнларни рационализациялаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш;

- аграр тармоқ хўжаликларида маҳсулот таннарҳини камайтириш, унинг рақобатбардошлигини ҳамда ташқи ва ички бозорда сотиш ҳажмини оширишдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш;

- мавсум давомида маҳсулот етиштирувчилардан шартнома асосида сифатли маҳсулотларни қабул қилиш, уларни тозалаш, сархиллаш, қолиплаш ва ўз муддатларида экспортга жўнатиш ишларини ташкил қилиш ва ҳоказолар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Umurzoqov U.P., Toshboev A.J., Toshboev A.A. Fermer хо'jaligi iqtisodiyoti. T.: “IQTISOD- MOLIYA” 2007. – 226 b.

2. Киселева Е.Н., Власова О.В., Коннова Е.Б. Рынок продовольственных товаров: учебное пособие. http://www.plam.ru/ucebник/rynok_prodovalstvennyh_tovarov/p2.php.

3. Хакимов Р., ва бошқ. «Агросаноат мажмуи иқтисоди», Т.: «Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси», 2004.

4. www.stat.uz